





O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 31-yanvar • Shanba • 13 (27.974) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan



Фаргона давлат университети ахборот-ресурс марказида (АРМ) замон талабларига мос равишда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.



Бу ердаги компьютерларга мавжуд китобларнинг электрон каталоги, икки мингга яқин асосий дарсликларнинг электрон варианты, маърузалар матни ва мультимедия электрон қўлланмалари жойлаштирилган АРМ Ўзбекистон «Ziyo-NET» тармоғига уланган бўлиб, эндиликда профессор-ўқитувчилар ва талабалар мамлакатимиздаги ўқув муассасаларининг электрон манбаларидан бемалол фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, марказ китоб фонди ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Китоблар сони 767 минг донага етди. Жорий йил учун юзга яқин газета ва журналларга обуна бўлинди.

Суратларда: ахборот-ресурс маркази ходими Белнора Мусанова; марказ кутубхонаси.

М.ҚОДИРОВ (Ў.А.)
ошган суратлар.

Хурматли газетхон, хабарингиз бор «Ўзбекистон овози» саҳифаларида вақти-вақти билан «Сиртқи қабул соатлари» ўтказиб келинмоқда. Унда Сизни қизиқтирган ёки ташвишга солган саволларга турли вазирлик ва ташкилот раҳбарлари жавоб беришмоқда.

Диққат: «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ!»

Навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари»ни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг **Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи Ғофиржон УСМОНОВ** билан ўтказиш режалаштирилди. Маълумки, чет элларга ишга бориш масаласида фуқаролар етарли маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли турли муаммоларга дуч келишмоқда. Айниқса, айрим ҳамюртларимиз фирибгарлар тузугига тушиб, одам савдоси қурбонига айланаётгани жамоатчиликда қатта ташвиш уйғотмоқда.

Бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш борасида ҳозир мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашни самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда «2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашни самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси» ижросини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари» ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Сиз чет элларда меҳнат фаолиятларини амалга оширишнинг тартиб-қоидалари, ишга жойлашш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб olasiz. Шунингдек, Корея Республикаси, Россия Федерациясида қонуний меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида йўл-йўриқ, маслаҳатлар олишингиз мумкин.

Демак, саволларингизни кутамиз. Шу йилнинг 10 февралига телефон, шонлиниқнома, хат орқали тахририятимизга мурожаат этишингиз мумкин.

Телефонлар: 233-65-45, факс: 233-12-56.
Манзилларимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
«Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти.

ЎЗХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЭЛЕКТОРАТ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ

ва фуқаролик масъулиятини ошириш демократик жараёнлар талабидир, дея таъкидланди давра суҳбатида



Хуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим талабларидан бири кўппартиявийлик тизимини тақомиллаштириш, жамиятда фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий плюрализмни қарор топтиришдир. Бунинг учун аввало сиёсий кучларнинг фаоллигини ошириш талаб этилади. Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини мустақамлаш, таъсирини кучайтириш борасида тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Демократик жараёнлар чуқурлашиб бораётган бугунги кунда табиийки, партия аъзолари, электоратининг маънавияти ва сиёсий маданиятини юксалтириш ҳамда фуқаролик масъулиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Ўзбекистон ХДП аъзолари электорати вакилликларида юксак маънавиятни шакллантириш, уларнинг сиёсий маданияти ва фуқаролик масъулиятини юксалтиришда партия ташкилотлари, матбуоти ва депутатлик бирлашмаларининг вазибалари таълим ва тарғибот ишларида фаол иштирок этишлари талаб этилади. Давра суҳбатида кўтарилган масала юзасидан партия ташкилотлари амалий фаолият олиб бораётгани қайд этилди.

Хусусан, 2006 йилдан буён ўтказиб келинаётган уч босқичли сиёсий ўқувлар, ташкил этилаётган учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа турли тадбирлар, бевосита партия электоратининг сиёсий маданиятини оширишга қаратилмоқда.

Партия марказий матбуот нашрларида ҳам юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини оширишга хизмат қиладиган мавзуларни ёритишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда партиянинг халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашиларида 2326 нафар, ви-

«Маънавий ва ахлоқий покляниш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳроқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминиди тарбия ётади.»

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

ШИФОБАХШ СУВ

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳри аҳолиси асосан Шахрисабз, Китоб ва Яққабғ заминидан олинаётган тоза ичимлик сувини истеъмол қилади. Аммо шаҳар чеккаси — Қашқадарё соҳилидан топиладиган шифобахшлигини баъзилар билмаслиги мумкин. «Қашқадарё соҳили» сираттоғи бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, ЎзХДПдан вилоят кенгаши депутати Ақром Акбаров шундай дейди:

— Бир йўла 100 нафар бемор даволанадиган шифо масканида барча шароитлар ҳозирланган. Қашқадарё соҳилида 1250 метр чуқурликдан чиқётган маъданли, таркиби кам минераллашган, сульфат-хлорид, натрий-кальций, магнийли шифобахш сув Тожикистоннинг «Оби-гарм», Грузиянинг «Цхалтубо», Трусковецининг «Нафтусия» сувларидан қилишмайди. Бундан ташқари унинг таркибиди йод, радон каби микроэлементлар мавжуд. Бундай шифобахш сув ошқозон-ичак яраси, жигар ва ўт пуфуги, қандли диабет, асаб, юрак қон-томир хасталиқларига даводир.

Юнус УЗОҚОВ

«САЙРАМ БЕКАТИ»

НАМАНҒАН. Сайрам — Тўрақўрғон туманидаги йирик қишлоқлардан. Вилоятдан Чуст, Поп туманларига ҳамда мамлакатимиз пойтахти Тошкентга элтувчи йўл худди шу ердан ўтади. Аҳоли ва йўловчи транспортларига қулай шарт-шароит яратиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқда барча қулайликларга эга замонавий бекат қурилиши бошланди.

Лойиҳага кўра бекат атрофида чойхона, савдо ва бошқа турли хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бўлади. Асосан хусусий тадбиркорлар маблағи ҳисобига амалга оширилаётган мажмуа қурилиши жорий йилнинг биринчи ярмида тўла ниясига етказилади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

«ТАБОБАТ — УМИД»

АНДИЖОН. Олтинқўл туманидаги Жалабек қишлоғида аёллар хасталиқларини даволашга иктисослашган «Табобат — умид» соғломлаштириш маскани ишга тушди. Ушбу даргоҳ фидойи инсон Қозимжон Раҳимов ҳомийлигида таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мазкур шифохона энди қишлоқ аёллари саломатлигини тиклашга хизмат қилади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ХИЗМАТЛАР КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

ЖИЗЗАХ. Вилоят маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўтган йили аҳолига 72 турда 2 миллиард 48 миллион сўмдан зиёд малакали сервис хизматлари кўрсатди. 4700 нафардан кўпроқ киши ишлаётган тармоқда хизмат турлари ҳам ортмоқда. Зоминдаги «Зебо», Баҳмалдаги «Баҳмал жавоҳири» хусусий фирмалари қишлоқ аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатиб, ижобий ютуқларга эришмоқдалар.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

КОРХОНА ХАЛҚАРО МУКОФОТГА САЗОВОР БўЛДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Қўнғирот сода заводи ўтган йили 71 минг 31 тонна энг сифати кальциацияланган сода ишлаб чиқариб, унинг 5 минг 740 тоннасини экспортга чиқарди. Завод Москва шаҳрида ўтказилган «XXI юз йиллик лидерлари» танловида қатнашиб, ишлаб чиқаришда юқори сифатли маҳсулотни учун «Золотой ягуар» («Олтин қолон») халқаро мукофоти билан тақдирланди.

Қишлоқ тарққиёти ва фаровонлиги йилида жамоа 75 минг тонна миқдориди маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг 66 минг 675 тоннасини ички, 6 минг тоннасини ташқи бозорда сотиш юзасидан буюртмачилар билан шартномалар тузди.

Реймбой ЎШИМЕТОВ

Болалар спорти

СОҒЛОМ АВАЛА, СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ГАРОВИ

Болалар спорти нафақат соғлом авлод, балки Юртбошимиз таъкидлагандек соғлом келажак ҳамдир. Демак, бу масаланинг қамрови жуда кенг, аҳамияти юксак.



• СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

2-бет >>>

• ШУКРОНАЛИК

— Ота юртимнинг иси келяпти сиздан, она тилида гапиринг! Бобомизнинг узуги бизга ота юртимизни эслатиб туради! — деб ўқиб-ўқиб йиғлади у. Ёши бир жойга бориб қолган ҳария мен билан хайрлаша туриб...

3-бет >>>

4-бет >>>

